

КЛИНИК ОРДИНАТУРАДА ЎҚИТИШ ҲОЛАТИ, КАМЧИЛИКЛАР ВА ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАР

*Маърузачи: Илмий ва илмий- педагог кадрлар
тайёрлаш бўлими бошлиғи,
т.ф.д., доцент Р.Ж. Матмуродов*

Тошкент тиббиёт академиясида клиник ординаторларнинг ўқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарорининг 2-иловасидаги “Клиник ординатура тўғрисида Низом” га, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган врачлик мутахассисликлари номенклатураси бўйича, ихтисослик талаблари асосида тузилган ўқув режа ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўқитиш грант ва контракт асосида ажратилган ўринларга мувофиқ олиб борилади. Ўқитиш муддати қоидага кўра **2 йил** ва бу мутахассислик бўйича врачлик меҳнат стажига қўшилади.

Клиник ординаторлар учун фақатгина раҳбарлик соат ажратилган бўлиб, ҳар бир клиник ординатор учун-**50 соат**. Бир вақтнинг ўзида **6 тагача** клиник ординаторга раҳбарлик қилиш мумкин.

Клиник ординатурада ўқув юклама соати – умумий **4752 соатни** ташкил этади. Шундан асосий ва ёндош мутахассисликлар учун – **3028 соат** (асосий-2712 соат (85,6%) ва ёндош -**316 соат** (10%)), фундаментал-140 соат (миллий истиқлол ғояси-108 соат ва аттестация -32 соат), мустақил тайёрланиш – **1584 соат** (амалиёт-288 соат, шундан 1-курс-144 соат, 2-курс 144 соат, чет тили – 144 соат, ахборот технологиялари – 144 соат). Ёндош мутахассисликлар ичида (**316 соат**) валеология-36 соат, соғлиқни сақлашни бошқариш-36 соат, қолган мутахассисликлар дастурда ҳар бир мутахассислик дастурида ўзаро келишилиб, унифицирланган ҳолда кўрсатиб берилади. Клиник ординаторлар учун каникул белгиланмаган, август ойида 1 ой меҳнат таътили берилади.

2018 йилда Тошкент тиббиёт академиясига клиник ординаторларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режасига биноан, шунингдек тиббиётнинг долзарб йўналишлари бўйича Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятларда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ва талабни эътиборга олиб, ҳамда ССВнинг 2018 йил 18 июлдаги «2018-2019 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш» ҳақидаги 464-сонли буйруғи ва 2018 йил 13 августдаги 8-7-4/1029- сонли хатлари асосида ўтказилди.

Оғзаки (50%) ва тест синовлари (50%), жами 100 баллик баҳолаш тизимида кириш имтихонлари ўтказилди. Умумий кириш баллининг **30 фоизидан** кам бўлган талабгорлар конкурсда иштирок этмади. 24 август куни оғзаки (“Шифокор” спорт мажмуасида) ва 25 август куни тест синовлари (Ректорат залида компьютер тизимида) ўтказилди.

2018/2019 ўқув йили учун умумий **239 та ўрин** ажратилди, шундан **86 та грант** ва **153 та контракт** ўринлардир. Клиник ординатура қабули эркин ва мақсадли ўринлар асосида олиб борилди. Эркин ўринлар жами **91 та ўрин**, шундан грант ўрин-**27 та**, контракт – **64 та ўрин**. Мақсадли ўринлар **Тошкент вилояти, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Наманган вилоятлари** учун алоҳида ажратилган. Жами **148 та ўрин**, шундан грант **59 та ўрин** ва контракт **89 та ўрин**. 2017 йилда жами **220 та ўрин** ажратилган эди. 2018 йил жами **301 та** ариза келиб тушди, шундан **181 та** эркин ўринлар ва **120 та** хужжат мақсадли ўринлар учун. 2017 йилда жами **149 та** ариза келиб тушган эди. 2018 йил қабули учун **38 та** мутахассликлар бўйича ўринлар ажратилди. 2018 йил янги мутахассислик – **Пластик жарроҳлик - 2 та ўрин** ажратилди. **Педиатрия, болалар хирургияси** мутахассисликлари бўйича ўринлар ажратилмади. **Клиник фармакология** мутахассислиги бўйича қўшимча 2 та ўрин сўраб олинди. **Касб касалликлари ва патанатомия мутахассисликлари** бўйича умуман аризалар қабул қилинмади, шунингдек клиник фармакология, гематология, диетология, коммунал гигиена, меҳнат гигиенаси, анестезиология ва реаниматология, наркология, реабилитология, суд тиббиёт экспертизаси, тиббий психология, эпидемиология ва юқумли касалликлар мутахассислари бўйича грант ўринлар тўлдирилмади. Тўлдирилмаган грант ўринлар асосан, мақсадли ўринлардир. 2018 йилда академия бўйича **239 та ўрин** ажратилган, **61 та ўрин** тўлдирилмади. 2017 йилда академия бўйича **220 та ўрин** ажратилган, **90 та ўрин** тўлдирилмади, **41 та** грант ва **49 та** контракт ўринлар. 2016 йилда **120 та ўрин** (**51 та** грант ва **69 та** контракт) ажратилган, **82 та** (**27 та** грант ва **55 та** контракт) қабул қилинган, **38 та ўринлар** тўлмаган (**24 та** грант ва **14 та** контракт). 2018/2019 ўқув йили учун жами **178 та** клиник ординатор қабул қилинди, **56 та** грант ва **122 та** контракт, шундан **2 та** контракт чет эл фуқароларидир (Қозоғистон Республикаси).

Ҳозирги кунда академияда жами **304 та**, шундан 1-курс **178 та** ва 2-курс **126 та** клиник ординаторлар таҳсил олмоқда. 2018 йил январь ойида **83 та** клиник ординаторлар ўқишни тугатди ва барчаси тўлиқ иш билан таъминланди.

Клиник ординаторлар йилда икки маротаба, февраль ойида ярим йиллик ва июнь ойида йиллик аттестация ўтказилади. Кафедра муҳокамасидан ўтган клиник ординаторлар аттестацияга қўйилади. Аттестациядан ўтмаган клиник ординаторлар ўқишдан четлаштирилади.

Юқумли касалликлар мутахассислиги бўйича 1 та клиник ординатор ўз хошишига кўра ўқишдан четлаштирилди. 2 та клиник ординаторнинг ўқиши академиядан БухДавТИ ва СамДавТИ га ва 2 та клиник ординатор ТТА Урганч филиали ва СамДавТИ дан академияга кўчирилди.

Клиник ординатурада ўқитиш бўйича қуйидаги таклифлар берилади:

1. Клиник ординатура бўлимини алоҳида бўлим сифатида шакллантириш ва бўлим бошлиғи билан бирга услубчи лавозимини киритиш. (Академия структураси учун берилган таклифда кўрсатиб ўтилган, Россия Федерациясининг нуфузли тиббиёт муассасаларида ушбу бўлим

алоҳида шакллантирилган). Клиник ординаторлар жами - 304 та, докторантлар - 33 та ва мустақил изланувчилар – 122 та. Ҳозирги кунда бўлимда 1та бўлим бошлиғи, 1 та муҳандис ва 1 та услубчи фаолият юритмоқда.

2. 2019/2020 ўқув йили учун қабул жараёнида берилган мутахассисликлар бўйича барча кафедралардан масъул ходимларни жалб этиш.
3. Хусусий клиникалар таклифлари асосида бевосида академия ваколотида мутахассислар тайёрлаб бериш.
4. Россиянинг нуфузли тиббиёт муассасаларидаги клиник ординатура дастурига мослаб алоҳида ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ва маълум бир ўқиш муддатини шу тиббиёт муассасаларида ўқитиш.